

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

«КЕЛИШИЛДИ»

Ўзбекистон
Республикаси Соғлиқни
сақлаш вазирлиги

«_____» _____ 2021 й.

«КЕЛИШИЛДИ»

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги

«_____» _____ 2021 й.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Тошкент фармацевтика
институти ректори
К. С. Ризаев

«_____» _____ 2021 й.

**5510500 – Фармацевтика иши, клиник фармация, 5111000-Касб
таълими таълим йўналишлари негизидаги:**

**5A510503 - Экспериментал ва спорт фармакологияси
магистратура мутахассислигига кирувчилар учун махсус
(ихтисослик) фанларидан**

ДАСТУР

Тошкент - 2021 й.

Аннотация

Дастур 5A510503 - Экспериментал ва спорт фармакологияси магистратура мутахассислигига кировчилар учун 5510500 – Фармацевтика иши таълим йўналишининг 2016/2017 ўқув йилида тасдиқланган ўқув режасидаги асосий фанлар асосида тузилган.

ТУЗУВЧИЛАР:

- З. Т. Файзиева - Фармакология ва клиник фармация кафедраси доценти, т.ф.д.
Р.Т.Туляганов - Фармакология ва клиник фармация кафедраси доценти, б.ф.д.

Дастур Тошкент фармацевтика институти Кенгашининг 2021 йил 9 июлдаги №12-сонли йиғилишида муҳокама қилинган ва тасдиқлашга тавсия этилган.

КИРИШ

Маълумки, янги дори воситаларини қидириш, фармако-токсикологик хусусиятларини ўрганиш, тиббиёт амалиётига киритиш учун экспериментал фармакология билан шуғулланадиган мутахассислар зарур бўлади. Халқимизни самарали, безарар, маҳаллий-хом ашёдан олинган дори воситалари билан таъминлашда ушбу мутахассисларнинг ўрни бекиёсдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фармация факультети қошида очилган 5А510503 - Экспериментал ва спорт фармакологияси мутахассилиги бўйича магистратурага қабул қилинувчи талабалар учун ушбу синов дастури айна муддаодир. Ўзбекистон Республикасининг дори сиёсатини такомиллаштириш, тиббиёт муассасалари ва аҳолини самарали, ҳавфсиз ва арзон дори воситалари билан таъминлашни яхшилаш ва бунинг учун ўз соҳаси бўйича етук билим ва кўникмаларга эга бўлган, муаммоларни ечимини тўғри топиб жадаллик билан амалиётга қўллаш оладиган, рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш муҳим ўрин тутади.

Дастурни тузишдан мақсад 5А510503 - Экспериментал ва спорт фармакологияси магистратура мутахассислигига кирувчи талабаларнинг илмий ва илмий педагогик ишларга қобилияти ҳамда қизиқишини аниқлаш.

ФАРМАКОЛОГИЯ фани бўйича:

Фармакология фани тарихи, фармакологияга ҳисса қўшган олимлар. Фармакологиянинг бўлимлари, унинг амалий аҳамияти. Дори воситалари ҳақида тушунча. Дориларнинг бошқа омиллар билан узаро муносабати. Дориларни дозалаш. Дориларнинг организмга киритиш йўллари ва организмнинг характеристикаси, аҳамияти, сўрилиш қонунлари ва характеристикаси. Биосамарадорлик, Дориларни бирга қўллашда кузатиладиган ўзгаришлар. Дориларни метаболизми, сурилиши ва организмдан чиқарилиши. Дориларнинг таъсир турлари: маҳаллий ва резорбтив таъсир, уларнинг характеристикаси ва хар хил омилларга боғлиқлиги. Дори воситаларининг танада тақсимланиши, оксиллар билан боғланиши. Дориларнинг самараси юзага чиқишида ташқи ва ички омилларнинг аҳамияти. Дориларнинг метаболизм йўллари: метаболит трансформация ва конъюгация туғрисида тушунча. Дориларнинг чиқиб кетиш йўллари ва аҳамияти. Дорилардан захарланиш, уларни олдини олиш ва ёрдам бериш тадбирлари. Дориларни қўшиб ва такрор қўллашда кузатиладиган ўзгаришлар ва уларнинг амалий аҳамияти. Дориларни салбий таъсирлари. Хронофармакология. Дорилар сифатининг фармакологик назорати. Дори воситаларининг таснифи. Наркоз моддалари, уларнинг турлари ва фармакологик хоссалари, таъсир механизми, босқичлари. Наркоз воситаларининг қўшилган холда ишлатилиши. Этил спиртининг фармакологик хоссалари. Уларнинг МНС га таъсир кўрсатиши. Алкоголизмнинг оқибатлари. Алкоголизмни даволашда қўлланиладиган дори воситалари. МНС тизимига таъсир этувчи дори воситалар фармакологияси. Наркоз дори воситалари. Этил спирти. Ухлатувчи дори воситаларининг фармакологик хоссалари, МНС га таъсири.

Таъсир механизми. Тутқаноққа қарши ишлатиладиган дори воситалари, уларнинг характеристикаси. Паркинсонизмда ишлатиладиган препаратлар. Морфиннинг МНС-га тормозловчи ва қўзғатувчи таъсири. Морфинга зид препаратлар – налорфин, налоксан. Морфинизм ва унинг оқибатлари. Синтетик наркотик аналгетиклар. Нейролептоаналгезия. Нонаркотик дори воситаларининг характеристикаси ва ишлатилиши. Нонаркотик аналгетиклар-анилин, пиразолон ва салицил кислота унумлари. Уларнинг таъсир механизми. Ишлатилиши ва ноҳўя таъсирлари. Психоседатив воситаларнинг хоссалари. Нейролептиклар, транквилизаторлар, психоседатив воситалар. Уларнинг солиштирма таърифи, фармакологик таъсири. Таъсир этиш механизми. Антидепрессантлар ва ноотроплар, церебропротекторлар қўлланилиши таъсир механизми, ишлатилиши ва ноҳўя таъсирлари, литий тузларининг фармакологик хусусиятлари. Уларнинг препаратлари, ишлатилиши ва ноҳўя таъсирлари. Қўллашга тавсиялар. Психостимуляторлар, аналептиклар, уларнинг хусусиятлари, таъсир механизми. Қўллашга тавсиялар. Ақлий ва жисмоний иш қобилиятининг ортиши. Салбий таъсирлари ва қўллашга қарши кўрсатмалар Аналептиклар, орқа мияга таъсир этувчилар ва умумий тонусни оширувчиларнинг фармакологик хусусиятлари. Уларнинг препаратлари, ишлатилиши ва ноҳўя таъсирлари.

М- холиноретсепторларга таъсир этувчи воситалар. Уларнинг таснифи. Кўз қорачиғига, ички босимига ва аккомадатсиясига, ички аъзолар силлик мускулларига, секреция безлари ҳамда Юракка таъсири. Холинестераза ингибиторларининг қайтар ва қайтмас таъсири. Адренергик тизимга таъсир этувчи моддалар таснифи, α ва β адреномиметиклар. Уларнинг фармакологик хусусиятлари. α ва β адреноблокаторлар. Юракка танлаб таъсир қилувчи носелектив ва селектив β -адреноблокаторлар, таъсир хусусиятлари. Юрак қон томирлари етишмовчилигида, аритмияда, гипертония касаллигида қўлланилиши. Симпатолитик воситалар. Н-холиноретсепторларни блокловчилар. Уларнинг коротид тугуни, вегетатив ганглиялар ва буйрак усти бези Н-холиноретсепторларига таъсири. Ганглиоблокаторлар, миорелаксантлар. Салбий таъсирлари ва уларнинг олдини олиш тадбирлари. Мелликтинни қўллаш хусусиятлари. Махаллий оғриқсизлантувчилар, характеристикаси, қўлланилиши. Ўраб олувчи ва сўриб олувчи моддаларнинг қўлланилиши. Буриштирувчи препаратлар. Қитиқловчи моддалар. Эфферент нервлар соҳасига таъсир қилувчи воситалар. Махаллий анестетиклар. Аллергияда қўлланиладиган дори воситалар фармакологияси. Иммунодепрессантлар. Иммуномодуляторлар. Юрак гликозидлари. Асосий кардиотоник моддаларнинг солиштирма таърифи ва классификацияси: дигитоксин, дигоксин ва строфантин. Уларнинг таъсир тезлиги ва муддатли, фармакокинетик кўрсаткичлари ва тўпланиши. Юрак гликозидларидан захарланиш ва унда тиббий ёрдам. Атеросклероз ва уни даволашда ишлатиладиган воситалар. Уларнинг фармакологик хусусиятлари, препаратлари, ишлатилиши. Кардиотоник дори воситалар фармакологияси. Юрак гликозидларининг фармакокинетикаси. Гипохолестеринемик дори воситалар. Стенокардия хуружини тўхтатувчи ва унинг олдини олувчи

препаратлар- нитроглицерин унумлари, уларнинг таъсир механизми, тезлиги ва даври. Изосорбид динитрат ва мононитрат препаратлари. Миокард инфарктини даволашда ишлатиладиган дорилар. Антиоксидантлар. ва билвосита таъсирли антиоксидантлар Силлиқ мускуллар қисқаришида қўлланиладиган дорилар. Мия томирлари қисқаришида қўлланиладиган моддалар. Гипотензив воситалар таснифи. Нейротроп, миотроп гипотензив воситалар, ангиотензин-2 антагонистлари, алдостерон таъсир механизми ва жойи. Пешоб хайдовчи (диуретиклар) моддалар гипотензив таъсири. Гипертоник кризларни даволовчи дорилар: диазоксид, натрий нитропруссид, уларнинг фармакологик хоссалари. Марказий ва периферик тизимга таъсир этувчи антигипертензив дори воситалар фармакологияси. Миотроп гипотензив дори воситалари. АПФ ингибиторлари. Антиаритмик воситаларнинг таъсири, механизми ва таснифи. Турли фармакологик группаларга мансуб, антиаритмик моддалар: β -адреноблокаторлар (анаприлин, пиндалол), калсий кальций антагонистлари – верапамил (изоптин), аралаш таъсирли антиаритмик моддалар – амидарон, махаллий оғриқсизлантирувчилар (лидокаин) ва бошқалар. Антиаритмик моддалар асосий вакиллари фармакокинетикаси. Қўллашга тавсиялар. Сув-туз алмашинувни таъминловчи специфик моддалар. Уларнинг нефронга таъсири, таъсир механизми ва классификацияси. Турли уратлар ва тошларни эритишда пешоб рН-нинг ахамияти. Сийдик кислотасини чиқаришига таъсир этувчи дори воситалар фармакологияси. Эритропозни кучайтирувчилар, уларнинг ишлатилиши. Қон яратилишига таъсири. Темир ва кобальт препаратларини қўшиб ишлатиш. Цианокобаламин, оксикобаламин, фолат кислотаси, В12 этишмайдиган камқонликда фармакотерапевтик таъсир механизми. Эритропозни сусайтирувчи моддалар. Лейкопозга таъсир этувчи моддалар. Таъсир механизми, ишлатилиши. Уларнинг таъсир механизми, қўллаш учун тавсиялар. Қон тизимга таъсир этувчи дорилар фармакологияси. Қон ва тўқималар гемостатик қобилятини тикловчи моддалар: витамин К-викасол, фибриноген препаратлари, антигемофиллин глобулин тутувчи препаратлар, протамин сульфат, фибринолиз ингибиторлари, аминокапрон кислотаси, амбен. Махаллий таъсир учун-тромбин. Қон зардоби ўрнига қўлланиладиган дори воситалари. Парентерал озиклантириш учун қўлланиладиган моддалар. Ацидоз холатига қарши моддалар. Меъда-ичак тизимга таъсир этувчи моддаларнинг таснифи, хусусиятлари. Меъда секретор фаолиятини етишмовчилигини тўлдирувчи моддалар. Меъда ости беши ва ингичка ичак секретор фаолияти етишмовчилигини тўлдирувчи моддалар: панкреатин, ораза, панкурмен. ўйғунлашган фермент моддалар. Меъда безлари секрециясини пасайтирувчи дорилар. Меъда девори Н1-рецепторларини (гистаминорецепторлар) блокадаловчи моддаларни қўллашга тавсиялар. Ножўя таъсири. Антацид воситалар. Ошқозон ичак секрецияси фаолиятига таъсир этувчи дори воситалар фармакологияси. Меъда ичак фаолиятини қисқаришига таъсир этувчи дори воситалари. Гепатопротекторлар, қусиш ва қусишга қарши дори воситалари. Бачадон фаолиятига таъсир этувчи дори воситалари. Ўт хайдовчи воситалар. Сурги дорилари таъсир қилиш жойи ва механизми.

Спастик қабзиятларда ва захарланишда сурги дорини танлаш. Қустирадиган ва қусишга қарши препаратлар. Бачадон мускулларини кучайтирувчи моддалар. Бачадон мускулларини даврий қисқаришларини келтириб чиқарадиган моддалар: эргометрин ва бошқалар: спорыня алколоидлари, фармакологик хусусиятлари. Қоракосов алкалоидларининг бачадондан қон оқишларига таъсир принципи. Бачадон мускулатурасини сусайтирувчи моддалар – партусистен, ритодрин, салбутамол. Антисептиклар турлари. Дезинфекцияловчи дори воситалар фармакологияси ва қўлланилиши. Сульфаниламидларнинг кашф этилиш тарихи (Г.Домагк). Механизми ва микробларга таъсир спектри. Таъсир даври, фармакокинетикаси ва меъда-ичак трактидан сўрилиш даражасига қараб классификациясининг амалий ахамияти. Дозалаш тартиби. Нитрофуран ва оксихинолин унумлари. Антисептик ва дезинфекцияловчи дори воситалар. Сульфаниламидлар, нитрофуран, 8 оксихинолинлар, фторхинолонлар. Антибиотикларнинг очилиши тарихи (А.Флеминг, З.В. Эрмолева). Таснифи. Микробларга қарши таъсир спектри бўйича таққослаш. Пенициллинлар. Тетрациклинлар. Макролид-антибиотиклар. Эритромицин, олеандомицин, уйғунлашган препаратлар. Левомецетин гурухи препаратлари. Антибиотикларнинг салбий таъсири ва уни олдини олиш чора-тадбирлари. Силга қарши воситаларни ишлатиш принциплари (узоқ муддат даволаш, уйғунлашган кимётерапия). Биринчи ва иккинчи қатор препаратлари. Захми даволашда бензилпенициллин препаратларининг роли. Захми даволашда ишлатиладиган бошқа моддалар. Замбуруғларга қарши препаратлар. Кандидамикозларда нистатин ва левориннинг фунгистатик таъсири. Тарқалган микозларда амфотерицин ахамияти. Вирусларга қарши ишлатиладиган препаратларининг фармакологияси. Вирусларга қарши ишлатиладиган препаратлар таъсир механизми. Гижжаларга қарши моддалар, таъсир механизми ва қўллаш принципи. Моховга қарши препаратларининг таъсир механизми ва қўлланиладиган препаратлари. Антибластом воситалар таснифи. Асосий гурухларининг цитостатик таъсир механизми. Таъсир спектри. Асосий антибластом воситаларнинг характеристикаси. Қўллашга тавсиялар, ўзга дори моддалари билан муносабати. Нисбий таъсир турлари, уларни даволаш ва олдини олиш. Дори воситалари билан захарланганда қўлланиладиган дори воситалар фармакологияси. Захарланиш ҳолатларида қўлланиладиган антидотлар турлари. Дори воситалар билан захарланиш. Захарланишда дори воситалар билан ёрдам бериш.

КЛИНИК ФАРМАЦИЯ ФАРМАКОКИНЕТИКА АСОСЛАРИ БИЛАН фани бўйича:

Клиник фармация фармакокинетика асослари билан фани тўғрисида тушунча ва унинг вазифалари, фармацияда ахамияти, бошқа фанлар билан боғлиқлиги. Юрак ишемик касаллиги этиологияси, патогенези ва асоратлари тўғрисида маълумот. Даволаш принциплари. ЮИК нинг ўткир ва сурункали кечимида тайинланадиган дори воситалари. Дориларни қўшиб ишлатилиши

ва ножўя таъсирини олдини олиш. Юрак ишемик касалликлари (стенокардия ва миокард инфарктини даволашнинг замонавий принциплари. Аритмиялар, уларнинг турлари, кечими. Юрак ритмини бузилишлари (аритмиялар)ларни даволаш принциплари. Антиаритмик препаратларнинг клиник-фармакологик характеристикаси. Юрак етишмовчилиги патофизиологияси, этиопатогенези, кечиши, асоратлари. Касалликнинг фармакотерапияси. Юрак касалликларида ишлатиладиган дориларнинг фармакокинетик параметрлари. Юрак фаолиятини ўткир ва сурункали етишмовчилигида дори воситаларини ишлатиш принциплари. Атеросклероз сабаблари, патогенези, асоратлари. Атеросклерозни даволашда ишлатиладиган препаратларнинг клиник фармакологик характеристикаси. Артериал гипертензияни этиопатогенези, кечиши, асоратлари. Антигипертензив дорилар таснифи ва уларнинг ишлатилиши. Ренин-ангиотензин тизимига таъсир этувчи дорилар. Комбинирланган антигипертензив дори воситалари. Гемопоез, эритропоез, лейкопоез тўғрисида тушунча, уларнинг патофизиологик холатлари. Камқонлик турлари уларнинг кечиш асоратлари, даволаш принциплари. Симптоматик ва эссенциал артериал гипертензияларни даволашнинг ҳозирги замонавий усуллари. Қоннинг қуйилиш жараёнининг бузилиши ва фармакотерапияси усуллари. Ошқозон ва 12 бармоқ ичак касалликлари. Этиопатогенези, кечиши, асоратлари ва даволаш принциплари. Омепразол ва унинг характеристикаси. Ушбу касалликда ишлатиладиган препаратларнинг фармакокинетик параметрлари. Энтерит ва энтероколитларнинг этиологияси, кечими, уларни даволашда ишлатиладиган дори воситаларининг клиник-фармакологик характеристикаси. Жигар касалликлари. Этиопатогенези, кечиши, асоратлари ва даволаш принциплари. Гепатопротекторларнинг характеристикаси. Жигар касалликларида фармакотерапия ва фармакокинетика асослари. Меъда ва 12 бармоқ ичак яра касаллигида фармакотерапия ва фармакокинетика асослари. Буйрак касалликлари. Этиопатогенези, кечиши, асоратлари ва даволаш принциплари. Буйрак касалликларини даволашда ишлатиладиган дорилар характеристикаси. Буйрак касалликларини даволашда диуретик дори воситаларининг ўрни. Юқори нафас йўллари касалликлари. Этиопатогенези, кечиши, асоратлари ва даволаш принциплари. Юқори нафас йўллари касалликларида ишлатиладиган препаратлар. Бронхиал астма, келиб чиқиши, кечими, унда ишлатиладиган препаратларнинг фармакотерапияси. Ревматик касалликлар, сабаблари, турлари, кечими. Ревматик касалликларни даволашда ишлатиладиган дори воситалари. Ревматизмда қўлланадиган дориларнинг клиник фармакологик характеристикаси. Қандли диабет касалликларининг этиопатогенези, кечиши, белгилари, асоратлари ва уларни турлари. Инсулин препарати ва уни қўллашдаги муаммолар ва уларнинг фармакотерапияси. Қандли диабет касаллигида ишлатиладиган препаратлар характеристикаси. Аллергик касалликлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, кечими. Аллергияга қарши дори воситаларининг таснифи, фармакологик хусусиятлари. H_1 -гистаминоблокаторлар ва стероид тузилишга эга дори воситалари. Аллергияларни даволаш усуллари. Иммун тизимини бузилиши билан борадиган (аутоиммун) касалликларни даволашнинг муаммолари.

Юқумли касалликлар, уларнинг этиологияси ва патогенези. Антибактериал ва силга қарши дори воситаларининг клиник-фармакологик характеристикаси. Микозларда фармакотерапия. Юқумли касалликларни даволаш усуллари

МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИГА КИРУВЧИЛАРНИНГ МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИ (ФАРМАКОЛОГИЯ ВА КЛИНИК ФАРМАЦИЯ ФАРМАКОКИНЕТИКА АСОСЛАРИ БИЛАН) БЎЙИЧА БИЛИМИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Магистратурага кирувчилар кириш имтиҳонларини (ёзма шаклда) Тошкент фармацевтика институтида ўқийдиган тилда топширадилар.

Кириш имтиҳонлари мутахассислик фанлари бўйича (фармакология, клиник фармация ва фармакокинетика) магистратурага кирувчиларнинг назарий билим ва амалий кўникмаларини қай даражада эгаллаганликларини адолатли тарзда баҳолашдан иборат.

Магистратура мутахассисликларининг кириш имтиҳонлари таркибига киритилган мутахассислик (махсус) фанлари учун баҳолаш 0 баллдан 100 баллгача ташкил этади.

Баҳолаш тартиби

Ушбу фанлардан синов ёзма шаклда амалга оширилиб, унда мутахассислик фанларидан умумий 4 та савол бўлиб, ундан 2 та савол Фармакология фанидан ва 2 та савол клиник фармация ва фармакокинетика фанидан киритилади.

Жами 4 та саволнинг тақсимланиши қуйидагича:

Жами саволлар сони	Саволларнинг фанлар бўйича тақсимланиши	Битта тўғри жавобга бериладиган балл	Жами балл
4	Фармакология– 2 та	25	50
	Клиник фармация ва фармакокинетика – 2 та	25	50
		Жами балл: 100 балл	

Ҳар бир савол учун берилган балл	Изоҳ
21,3-25,0	Талаба берилган саволларга тўлиқ жавоб берди. Мутахассислик фани жараёнларини яхши билади. Берилган саволнинг моҳияти яхши тушуниб, ижодий фикрлаб, мўътадил мушоҳада ярата олади, мукамал билимга эга.
17,8-21,3	Талаба берилган саволларга жавоб берди.

	Мутахассислик фанини яхши билади, фикрлайди ва мустахамкам билимга эга. Қисман ёки муҳим бўлмаган айрим камчиликлар бўлиши - таҳлил ва фикрлашда айрим хатоликлар мавжуд. Айрим муҳим бўлмаган хатоликлар мавжуд. Жараёнларнинг баёни тўлиқ эмас.
14,0-17,8	Талаба берилган саволларга қисман жавоб берди. Баёнда ноаниқликларга йўл қўйди. Мутахассислик фанини етарли даражада билмайди. Билимлари тўлиқ эмас. Жараёнларининг баёни қисман.
14 балдан кам	Талаба берилган саволларга жавоб бермади.

Магистратурага кириш имтиҳон саволлари бўйича абитуриентнинг олган баллари жамланиб, умумий балл чиқарилади.

Баҳолаш мезонлари	86-100 балл “аъло”
	<ul style="list-style-type: none"> - фанга оид назарий ва амалий тушунчаларни тўла ўзлаштира олиш, -Дориларни фармакокинетик параметрларини билиш ва ҳисоблаш; - Дориларни дозалаш ва буюришда дориларни организмга организмга юборилиш йўллари тўғри тавсия этиш; - Дори воситаларнинг фармакологик хусусияти, таснифи ва таъсир механизмини билиш; - дорилар салбий ва ножўя таъсирини билиш; - дори воситаларни тайинлаш алгоритминини билиш; - турли касалликларда биринчи тиббий ёрдам сифатида бенриладиган дори воситаларни бериш тартибини билиш; - касалликларнинг патогенези ва симптоматикасини билиш; - симптомларга асосланиб дори воситаларни тайинлаш алгоритмларини билиш; - дори воситалар билан заҳарланганда дори воситаларни билан олдини олиш чораларни билиш.
	71-85 балл “яхши”
	<ul style="list-style-type: none"> - дориларнинг фармакологик хусусиятини билиш; - касалликлар ҳақида тушунчага эга бўлиш ва уларни келиб чиқиш сабабларини билиш; - турли касалликларда биринчи тиббий ёрдам сифатида бенриладиган дори воситаларни бериш тартибини билиш; - касалликларнинг патогенези ва симптоматикасини билиш; - симптомларга асосланиб дори воситаларни тайинлаш алгоритмларини билиш; - дори воситалар билан заҳарланганда дори воситаларни билан олдини олиш чораларни билиш.
	55-70 “қониқарли”

	<ul style="list-style-type: none"> - дориларнинг фармакологик хусусиятини билиш; - касалликлар ҳақида тушунчага эга бўлиш ва уларни келиб чиқиш сабабларини билиш; - турли касалликларда биринчи тиббий ёрдам сифатида бенриладиган дори воситаларни бериш тартибини билиш; - касалликларнинг патогенези ва симптоматикасини билиш.
	<p>0-54 “қониқарсиз”</p> <ul style="list-style-type: none"> -ўтилган фаннинг назарий ва амалий тушунчаларни билмаслик; -дори воситаларнинг фармакологик хусусияти ҳақида тассавурга эга эмаслик; - дориларни қўллаш тартиби ва ножўя оқибатларини билмаслик. - турли касалликларда биринчи тиббий ёрдам сифатида бериладиган дори воситаларни бериш тартибини билмаслик;

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Maxsumov M.N., Malikov M.M. Farmakologiya. T. Ibn Sino nash., darslik. 2006 y.
2. Azizova S.S. Farmakologiya. T. Ibn Sino darslik. 2002 g.,
3. R.N. Alyautdin. Farmakologiya. Ibn Sino M. o`quv qo`llanma. 2004.,
4. Юнусходжаев А.Н. Осложнение лекарственных средств. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, учебное пособие. 2005.
5. Samura B.A. va boshqalar Farmakoterapiya. o`quv qo`llanma. Xarkov 2000 1-2 tom.,
6. Венгеровский А.И. Лекции по фармакологии для врачей и фармацевтов. Москва. учебное пособие. 2006.,
7. Юнусходжаев А.Н. и др. Справочник основных лекарственных средств Республики Узбекистан. Тошкент. Ибн Сино. 1998 г.,
8. Клинические рекомендации и фармакологические рекомендации и фармакологический справочник. Под ред. И.Н.Денисова, Ю.И.Шевченко, Ф.Г.Назирова. Москва 2005 г.
9. Харкевич Д.А. Фармакология. М.Медицина, учебник. 2015г,
10. Mirziyoev Sh.M. Erkin va farovon demokratik O‘zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. Toshkent, “O‘zbekiston” NMIU, 2017. – 29 b.
11. Mirziyoev SH.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta’minlash yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. “O‘zbekiston” NMIU, 2017. – 47 b.
12. Mirziyoev SH.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. “O‘zbekiston” NMIU, 2017. – 485 b.
13. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha harakatlar strategiyasi to‘g‘risida” gi PF-4947-sonli Farmoni. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2017 y., 6-son, 70-modda.